**Ушбу сонда:**

2 — САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ, ҲАР КУНИ ҚИЛИШИ КЕРАК

3 — *Қонун барчага баробар* — ЭГРИ ЮРМА, ҚОҚИЛАСАН...

4 — *Маънавият сабоғи* — ҒУМАЙ ЭКИБ БУҒДОЙ ЎРОЛМАЙСИЗ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

O'ZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 31 март, жума № 57 (2106)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## ЙЎЛЛАР РАВОН БЎЛАДИ

***Мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги магистрал йўллари, жумладан, Жиззах вилояти ҳудудидан ҳам ўтади. Бу йўлларни таъмирлашга доир катта ҳажмда ишлар бажарилмоқда.***

*Жараён*

Шу мақсадда «Ўзавтойўл»нинг Жиззах шўъба корхонаси таркибида «Равонйўлқурилиш» деб аталган янги корхона иш бошлади. Бир вақтлар фаолияти тўхтаб қолган асфальт-бетон заводи қайта тикланди. Яроқсиз ҳолга келиб қолган технология янгиланди. Қисқа фурсатда 80 тонналик сиғимга эга коришма тайёрлаш бункери қурилиб, Германия технологияси асосида асфальт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Корхона тўлиқ ишга тушгач, кунига 500 тонна асфальт чиқариш имкони юзага келади, 30 дан зиёд янги иш ўрни яратилади.

# ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАЛАРИ - СТРАТЕГИК ҲАМКОР

### Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28-30 март кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлди

***Бу Ўзбекистон раҳбарининг Жанубий Кореяга тўртинчи сафари бўлди. Олий даражадаги мулоқотларнинг мунтазамлиги, хусусан, ўтган йилнинг май ойида Жанубий Корея раҳбари Но Му Хённинг Ўзбекистонга ташрифи ўзаро муносабатларни ҳар томонлама кенгайтиришга қаратилган кўплаб келишувлар билан якунлангани икки томонлама ҳамкорлик самарали ривожланаётганидан далолат беради. Шу маънода Ислом Каримовнинг Сеулга бу галги сафарини Тошкент музокараларининг мантиқий давоми, дейиш мумкин.***

Президентлар аввал якка-якка, кейин расмий делегациялар иштирокида кенгайтирилган тартибда музокаралар олиб бордилар. Но Му Хён ўзининг Тошкентга сафарини ёдга олиб, меҳмондўстлик ва самимий муносабат учун Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этди. Ўзбекистон раҳбари Тошкентда илгари сурган таклифини, яъни икки томонлама муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтариш вақти етганини яна бир бор таъкидлади. Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари кўп масалаларда ҳамфикр. Стратегик шериклик борасида ҳам фикрлар бир жойдан чиқди ва музокаралар якунида Президентлар Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шубҳасиз, бу ҳужжат ташриф давомида эришилган энг муҳим келишув бўлди.

29 март куни Ўзбекистон Президенти Корея Республикасининг етакчи иқтисодий ташкилотлари - Саноатчилар федерацияси, Савдо-саноат палатаси, Кичик ва ўрта бизнес федерацияси, Халқаро савдо уюшмаси раҳбарлари ҳамда Миллий ассамблея (парламент) Спикери билан мулоқотда бўлди.

Ишбилармон доираларнинг йирик вакиллари билан учрашувда Ўзбекистонда Жанубий Корея бизнесини янада кенгайтириш, икки мамлакатнинг тегишли иқтисодий ташкилотлари, фирма ва компаниялари, корхоналари ўртасида ҳамкорликни янги босқичга кўтариш масалалари томонларнинг диққат-марказида бўлди. Алоқаларнинг янги йўналишларини очиш имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон билан Корея ўртасида олий қонун чиқарувчи органларнинг ҳамкорлигини ривожлантириш парламент Спикери билан суҳбатнинг бош мавзуи бўлди. Ким Вон Ки билан мулоқотда Ислом Каримов келгусида бу борадаги ҳамкорлик стратегик шериклик тамойилларига муносиб бўлишига ишонч билдирди. Ўзбекистоннинг янги шаклланган икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб, Корея парламентарийларини ўзаро тажриба ва ахборот алмашувни кучайтиришга даъват қилди.

Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро стратегик шериклик алоқалари расмийлаштирилгани муносабати билан бу ўринда мазкур воқеанинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа омилларига тўхталиш жоиз. Одатда сиёсий алоқаларга асосан халқаро муаммоларга қарашлар уйғунлиги ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликдан келиб чиққан ҳолда баҳо берилади. Ўзбекистон билан Жанубий Корея халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар борасида кўп жиҳатдан ҳамфикр. Бу Сеул музокараларида яна бир бор таъкидланди.

Ўзбекистон БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ижро органларига Корея Республикаси вакилларининг номзодини қўллаб-қувватлаб келади. Шу кунларда Сеул сиёсий доираларида мамнуният билан қайта-қайта тилга олинган мавзу - Ўзбекистон БМТ Бош котиби лавозимига Корея Республикаси ташқи ишлар ва савдо вазири Бан Ки Муннинг номзодини ёқлаётгани бу фикрнинг ёрқин исботидир. Бу хусусда кўп мисол келтириш мумкин: 2005 йилнинг ўзида Ўзбекистон БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасига, Халқаро стандартлаштириш ташкилотига, SOS бадаллари бўйича қўмитага ва БМТ Хавфсизлик кенгашининг нодоимий аъзолигига Корея Республикаси томонидан кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлади.

Тошкент Сеулнинг Корея ярим оролида Шимолий Корея ва Жанубий Кореянинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш орқали тинчликни мустаҳкамлаш ва Шимоли-шарқий Осиёни биргаликда ривожлантиришга қаратилган «тинчлик ва фаровонлик» сиёсатини ҳам қўллаб-қувватлайди.

Корея Республикаси эса Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб киришини, мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий тизимга интеграциялашувини ёқлайди. Мустақиллигимизнинг илк йилларидан Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги асосий шерик сифатида қараб келаётган Жанубий Корея юртимиздаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётимизга катта миқдорда сармоя киритиш орқали ҳам халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузи ошишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Сиёсий ҳамкорликни белгиловчи яна бир бўғин - ҳарбий- техникавий соҳадаги алоқалар ҳам ривожланиш йўлидан бормоқда.

Ўзбекистон билан Корея ўртасида иқтисодий соҳада 1992 йилдаёқ ўзаро энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий этилган. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг асосий савдо-иқтисодий шерикларидан саналади ва бу борада Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари орасида етакчи ўрин тутади. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 38 фоизга ошиб, 564,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жанубий Кореянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармояси эса 1,5 миллиард доллардан ошади. Ўн йилдан буён нафақат Ўзбекистонда, балки МДҲнинг бир неча мамлакатларида ҳам «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси маҳсулотларининг бозори чаққон. Россияда «ЎзДЭУавто» автомобиллари энг кўп сотиладиған хориж автомашиналаридан саналади.

Корея Республикаси томонидан берилган имтиёзли кредитлар миқдори 77 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бу маблағ телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришга, икки юздан зиёд коллежни ўқув жиҳозлари билан таъминлашга, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

(Давоми 2-бетда)

*Раёсат йиғилиши*



# ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЙЛИК

Давр олдимизга долзарб, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни қўймоқда. Бу эса ҳар биримиздан замон талаблари асосида фаолият кўрсатишни, ташаббускорлик, изчиллик ҳамда фидокорлик кўрсатишни тақозо этмоқда. Кеча Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал маиший-хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг навбатдаги раёсат йиғилишида қатор масалалар муҳокама этилди. Шу жумладан, Самарқанд вилоят тармоқ касаба уюшма кенгаши ҳамда Қашқадарё вилоят вакиллиги тизимидаги касаба уюшма ташкилотларида ҳужжатлар билан ишлаш ва иш юритишни замон талаблари асосида амалга ошириш, енгил саноат акциядорлик жамиятларида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш ва уларни иш ҳақи билан ўз вақтида таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Шунингдек, ўтган йили ўтказилган «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши жамоа» республика кўрик-танлови натижаси тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, Самарқанд ҳамда Қашқадарё вилоятларидаги бошланғич ташкилотларда ҳужжатлар билан ишлаш ҳамда иш юритишни талаб даражасида олиб бориш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Иккала вилоятда ҳам кейинги вақтда бу тадбирлар белгиланган режа асосида бажариляпти. Кейинги бир йилу уч ой ичида Самарқанд вилоят кенгашининг раёсат йиғилишларида 55 та, Қашқадарё вилоят вакиллиги бўйича 75 та фармойиш қабул қилинган. Уларнинг ижроси эса доимий назоратда.

Тармоқ меҳнаткашларидан тушган ариза ва шикоятларга алоҳида эътибор берилмоқда. Улар ижобий ечимини топиши учун барча имкониятлар ишга солиняпти. Ўтган давр мобайнида тармоқ касаба уюшма Самарқанд вилоят кенгашига 12 та ёзма ҳамда 44 та оғзаки мурожаат келиб тушган. Қашқадарё вилоят вакиллигида эса бу рақам 22 тани ташкил этади. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал қилиниб, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқий талаблари ўзининг ижобий ечимини топди.

Самарқанд вилоятининг «Са-



марқандгаз» ҳудудий газ таъминот корхонаси, «8-Март», «Нафис» акционерлик жамиятларида, Қашқадарё вилоятининг «Садо» акционерлик жамияти, вилоят «Субоқава», Қарши шаҳар «Ермулккадастр» хизмати, «Оқсарой» тўқимачи ЛТД қўшма корхонаси каби бир қатор жамоаларда бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида ижобий фикр билдириш мумкин.

Лекин, юқоридаги вилоятлардаги айрим касаба уюшма ташкилотларида ҳужжатлар билан ишлаш ҳамда иш иш юритишни ташкил этиш борасида айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Ҳар икки вилоятда ҳам юқори ташкилотларнинг айрим қарорларини бажарилишида сусткашликка йўл қўйилмоқда. Масалан, тармоқ касаба уюшма Марказий кенгашининг «Иш ҳақи, тушлик, йўл кира учун қопланиш пули ва хизмат сафари харажатлари миқдорини ошириш тўғрисида»ги қарорини улар эътиборсиз қолдиришган. Бу борадаги ёзма ахборот Марказий кенгашга кечикиб топширилган.

Жойларда айрим касаба уюшма қўмиталари иш юритиш бўйича номенклатурани ишлаб чиқишда лоқайдликка йўл қўймоқдалар. Натижада, Самарқанд вилоятининг Булунғур, Ургут туман коммунал хўжалик бошқармалари, Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туман «Субоқава» корхонаси, «Чўлқувар» уй-жой мулкдорлар ширкати касаба уюшма ташкилотларида ҳужжатлар зарур даражада жамланмаган. Амалга оширилган ишлар бўйича тегишли ҳужжатлар тўлиқ ва талаб даражасида расмийлаштирилмаган. Ҳужжатларнинг кирим-чиқимини қайд қилиш, меҳнаткашлардан тушган ариза ва шикоятларни расмийлаштириш учун махсус журнал юритилмаган. Кам таъминланган оилалар, ногирон ва пенсионерлар рўйхати тузилмаган.

Бўлиб ўтганига бир ярим йил бўлишига қарамай Самарқанд вилоятидаги «Ҳунарманд» масъулияти чекланган жамияти, Қашқадарё вилояти кўзи ожизлар жамияти, «Санам» акционерлик жамияти касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ҳамда конференцияларда билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалар ва қўйилган вазифалар муҳокама қилинмаган.

Наврўз байрами арафасида «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши томонидан коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида кўп йиллик ҳалол ва самарали хизматлари учун бир гуруҳ ходимларга «Ўзбекистон Республикаси коммунал-хизмат кўрсатиш аълочиси» унвони берилганди. Улар орасида «Хоразмгаз» ҳудудий газ таъминоти корхонасининг касаба уюшма қўмитаси раиси Озод Аллаберганов, «Наманганғаз» ҳудудий газ таъминоти корхонасининг касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳабибулла Исаков, Самарқанд вилоят тармоқ касаба уюшма кенгашининг мутахассислари Толиб Халилов, Мирзо Мирсаидов, Самарқанд вилоят Каттақўрғон ободонлаштириш бўлими касаба уюшма қўмитаси раиси Маҳаматқул Рўзиевлар бор эди. Йиғилишда уларга ушбу юксак мукофот топширилди.

Марказий Кенгашнинг раёсат йиғилишида барча кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## НАХОДКАДАН - АСАКАГА

Россия ва Ўзбекистон темирйўлчилари ўзаро фойдали ҳамкорлик самарасини яна бир бор намойиш этди. Жанубий Кореядан Асака шаҳрига «ЎзДЭУавто» учун эҳтиёт ва бутловчи қисмларни етказиб бериш вақти икки баравар қисқарди. Бунга юкларни Россия ҳудуди орқали ташиш туфайли эришилди.

Бу йил ўзининг 10 йиллигини нишонлаётган Асака шаҳридаги автомобиль заводи 120 минг автомашина ишлаб чиқаришни режалаштирган. Бу вазифани муваффақиятли бажариш Жанубий Кореядан эҳтиёт қисмларнинг ўз вақтида етиб келишига боғлиқ. Илгари контейнерлар трансхитой темир йўл магистрали орқали етказиб берилар эди. «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК ва «Российские железные дороги» компаниясининг филиали «Трансконтейнер» компанияси юкларни муқобил йўналиш бўйича ташиш тўғрисида шартнома тузди. 29 март куни 54 та вагондан иборат биринчи таркиб Асакага етиб келди.

- Транссибирь магистрали бўйлаб ўтадиган янги йўналиш тўртта давлат ҳудудини кесиб ўтади, - дейди «Трансконтейнер» вакили Юрий Моря. - Унинг узунлиги 9 минг километр. 17 мартда Находкадан йўлга чиқиб, 11 кунда белгиланган манзилга етиб келдик. Бизга ишониб топширилган юкни икки баравар тез етказиб бердик.

## ҲАМЮРТИМИЗ - СОВРИНДОР

Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида кикбоксинг бўйича ўтган халқаро турнирда мусобақа мезбонларидан ташқари Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Украина, Беларусь ҳамда Молдовадан келган спортчилар ғолиблик учун куч синашди.

Мусобақадан юртдошимиз Алишер Абдуллаев бронза медал билан қайтди.

**(ЎзА)**

*Бозор талаби қатъий*

# ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА меҳнат муносабатлари

***Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерациясининг IV Қурултойида мулкчилик шакли ўзгариши билан фермер хўжаликларида касаба уюшмалари ташкилотчилик фаолиятини йўлга қўйиш муҳим вазифа эканлиги алоҳида таъкидланган эди.***

Ҳақиқатан ҳам агроиқтисодиётда амалга оширилаётган ислоҳотлар, тузилмавий ва мулкий ўзгаришлар тармоқ касаба уюшма ташкилотлари олдида айрим муаммолар ечимини кўндаланг қилиб қўймоқда. Бу масалалар негизида деҳқон, фермер хўжаликларида касаба уюшмаларининг ташкилий тузилмасини шакллантириш ва жамоаларда меҳнат муносабатларини ривожлантириш муҳим ўрин эгаллайди.

Президентимизнинг 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепсияси тўғрисида»ги Фармони ва 2006 йилда қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлар)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ вилоятимизда 152 та ширкат ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилди. Жорий йилда 42 та ширкат фермер хўжалигига айлантирилиб, қишлоқда бундай жамоалар сони 25 мингдан ошиб кетди.

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгаши Уставининг V бўлим 23-моддасида «Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти корхонада давлат, нодавлат, нотижорат ташкилотлари, ширкат, жамоа, деҳқон-фермер хўжаликлари, кичик корхоналар, ишбилармон, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи касаба уюшма аъзоларидан 3 нафари бўлган тақдирда ҳам тузилади» дейилади.

(Давоми 2-бетда)

Юртимиз бўйлаб Наврўз тантаналари давом этаётган шу кунларда Навоий шаҳрида замонавий спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

## НАВРЎЗ ТУҲФАСИ

Қурилиш ишларини «Навоийгаз» ҳудудий газ таъминоти корхонасига қарашли «Газмонтажқурилиш» участкаси бунёдкорлари амалга оширди. Бу ерда мини футбол, баскетбол, волейбол, теннис ва бошқа кўплаб спорт турлари билан шуғулланиш учун барча шароит яратилган. Мажмуада шаҳарнинг «Ватан», «Чинор», «Ишонч» маҳаллалари ёшлари ва шу ҳудуддаги иккита мактаб ўқувчилари спорт билан шуғулланишади.

*Қинғир ишнинг қийиғи*

# АЛДОВ ПОЙГАСИ

***Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиб бормоқда. Бу эса иқтисодиётнинг ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатаяпти. Айни чоғда бандлик ва аҳоли даромадларини оширишда бу соҳа ўта муҳим аҳамият касб этаяпти.***

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида давлатимиз раҳбари янги яратилаётган иш ўринларининг 85 фоизи айнан кичик бизнес ҳиссасига тўғри келаётганлигини таъкидлади. Шунга қарамасдан, фақат ўзининг фойдасини ўйлаб, бюджетга солиқ тўлашдан қочаётган тадбиркорлар ҳам учраб турибди.

Бухоро вилоят хўжалик судига ўтган йил давомида 431 та корхонани банкрот, деб эътироф этиш тўғрисида ариза киритилган. Шундан 418 таси банкрот, деб эълон қилинган. Мазкур хўжалик юритувчи субъектларнинг 385 таси давлат реестридан чиқарилган. Уларнинг аксарияти хусусий фирмалардир.

Чунки ҳуқуқий асослар мустаҳкамланиб бораётган, имтиёз ва қулайликлар қўллашнинг аниқ механизми яратилганига қарамай баъзи тадбиркорлик субъектлари солиқ интизомига риоя қилмай, қонун талабларига чап бермоқчи бўлаяптилар. Маълумки, хусусий фирманинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг Низоми билан белгиланади. Мазкур ҳужжатга амал қилиш барча учун мажбурийдир.

Бухоро шаҳридаги «Шириншоҳ» хусусий фирмасининг 2003 йил 27 февралгача Низом жамғармаси 300 минг сўм бўлган. Унинг раҳбари Рустам Файзуллаев корхона фаолиятини таъминлаш учун таъсисчи ҳисобидан шаклланадиган 33 миллион сўм Низом жамғармасининг 22 миллион 120 минг сўми товар-моддий бойликларидан иборат, деб кўрсатган. АТ «Парвинабанк» мутасаддилари эса фирманинг ҳисоб рақамида энг кам ойлик иш ҳақининг икки минг бараваридан юқори пул маблағи мавжудлиги ҳақида маълумот тақдим этган. Шу боис ушбу фирма улгуржи савдо фаолиятини «оби-тоби»да олиб борган. Ҳаммаси худди рисоладагидек эди. Бироқ, бюджет олди қарзлари ўз вақтида тўланмагач, ишкал чиқиб қолди. Яъни Бухоро шаҳар давлат солиқ инспекцияси вилоят хўжалик судига фирманинг юқоридаги қарзларини ундиришда унинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат қилди. Суднинг ижро варақаси фирманинг мол-мулки бўлмаганлиги сабабли ижро этилмаган. Бу ҳақда шаҳар суд ижрочилари фирма раҳбари манфаатларига хизмат қиладиган қарор ҳам қабул қилишган.

Демак, фирма бюджет олди қарзни тўлай олмайди. Шундан кейин шаҳар ДСИ раҳбарлари фирма кредиторлик қарзини 3 ойдан ортиқ вақт мобайнида қоплай олмаётганлиги ва молиявий-хўжалик фаолияти билан шуғулланмаётганлиги учун уни банкрот, деб топишни сўраб вилоят хўжалик судига ариза билан чиқди. ДСИ томонидан тақдим қилинган маълумотномага қараганда, фирманинг бюджет олди қарзи 25 миллион 769 минг 870 сўмни ташкил қилган.

Лекин фирма раҳбари Рустам Файзуллаев шерюрак чиқиб қолди. У «Шириншоҳ»нинг кўчмас мол-мулки мавжуд, деб «ҳужжат» тўғрилади-ю савдо ва тижорат фаолияти билан дадил шуғулланаверди. Ҳисобот тақдим этишни ҳам, солиқ мажбуриятларини ҳам «ёдидан» чиқарди. Чунки, солиқ тўлаш уни аридай «чақиб» олаётганди.

Рустам солиқдан қочиш ва ўз вақтида тўламаслик мақсадида АТ «Ҳамкорбанк», «Парвинабанк», АТ «Саноатқурилишбанк» вилоят бўлимларида фирманинг ҳисоб рақамларини очган. Фирма раҳбарининг ҳамиша ёнида ҳозиру нозир банк ходимлари унинг бирор ишорасини жавобсиз қолдиришмаган. Бундай «ҳурмат-эҳтиром»ни кўрган Рустам ўзини султондай ҳис қилиб, ғоз юришни давом эттираверган. У шаҳар ДСИ, «Парвинабанк» ва «Ҳамкорбанк»нинг Бухоро бўлимлари ходимлари ва шаҳар суд ижрочилари билан оғиз-бурун ўпишмаганида ҳужжатларни қалбакилаштириш орқали бюджетга катта миқдорда зарар етказилмасмиди?

Алдов пойгасида шаҳардаги «Абдурашмат» фирмаси раҳбари Дилшод Мардонов ҳам «Шириншоҳ»дан ортда қолмади. У ҳам ишончни суистеъмол қилиш йўли билан бюджетга 8 миллион 378 минг 110 сўм миқдорида зарар етказган. Бухоро шаҳар ДСИ ва суд ижрочиларидан ташқари АТ «Алоқабанк» вилоят бўлими ходимлари Дилшодга «раҳнамолик» кўрсатиб келишган. Дилшод Мардонов хусусий фирманинг кўчмас мол-мулки мавжудлиги тўғрисида 0077763-сонли шаҳар кадастр ҳужжатларини «маҳорат» билан сохталаштирган. АТ «Алоқабанк» ходимлари бюджетга ундириладиган ижро варақаларини ижро этмай қайтарганларида, ДСИ ходимлари ва суд ижрочилари буни кўриб, кўрмасликка олишди.

Вилоят хўжалик суди «Шириншоҳ» ва «Абдурашмат» хусусий фирмаларини банкрот, деб эътироф этди. Фирма раҳбарлари Рустам Файзуллаев, Дилшод Мардонов ва уларнинг солиқ, банк идораларидаги ҳамтовоқлари ҳамда суд ижрочиларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми, «в»-банди ҳамда 228-моддалари билан жиноят иши қўзғатди.

**Валижон ЮСУПОВ,**
**Бухоро вилоят хўжалик суди матбуот котиби**

## ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК- ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

***Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси филиали ҳузурида ташкил этилган «Агроинформ» ўқув-услубий маркази туманларда фермерлар ўқувини ўтказмоқда.***

Амударё туманида ўтказилган машғулотларда 600 дан ортиқ фермер, уларга хизмат кўрсатувчи МТП, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш материаллари таъминоти шохобчалари, биолаборатория раҳбарлари, банк, солиқ хизмати ходимлари иштирок этди.

Фермерларга ҳуқуқий саводхонлик, хизмат кўрсатиш шохобчалари билан шартнома асосида фаолият юритиш, сувдан фойдаланиш, суғурта, солиқ тўловлари каби масалалар бўйича зарур маълумотлар берилди.



# БЕҲБУДИЙ ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

***Самарқанд вилоят халқ таълими педагогик ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида маърифатпарвар аллома Маҳмудхўжа Беҳбудийга ёдгорлик ўрнатилди.***

Беҳбудий қисқа, аммо сермазмун умри давомида кўплаб эзгу ишларни амалга оширди. Унинг мақолалари, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида битилган асарлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда.

Юртимизда, хусусан, Самарқандда таълим тизимининг ривожланишида, янги усулдаги мактаблар очилишида ҳам Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг хизматлари катта бўлган. Янги мактаблар учун дарсликлар яратган.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ватанимиз ҳуррияти учун жон фидо қилган ота-боболаримиз ҳаёти ва ижодига муносабат тубдан ўзгарди. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳам халқимиз олдидаги хизматлари муносиб қадр топди, асарлари қайта нашр этилди. Айни пайтда юртимиздаги бир қанча таълим-тарбия муассасалари ва кўчалар унинг номи билан аталади.

Бундан икки йил аввал Самарқанд вилоят халқ таълими педагогик ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтига Беҳбудий номи берилган эди.

Иқтидорли ёш ҳайкалтарош Эргаш Қаххоров яратган Беҳбудий бюстининг очилишида сўзга чиққан мазкур институт ректори А.Алимов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи М.Бобоёров, алломанинг эвараси Шоҳруххон Беҳбудий ва бошқалар маърифатпарвар олимнинг ибратли ҳаёт йўли, кўп қиррали фаолияти ва бой маънавий мероси хусусида, шунингдек, мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида сўз юритдилар.

**(ЎзА)**

# БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

Сирдарё вилояти Гулистон тумани меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳамкорлигида Деҳқонобод қўрғонида «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ўтказилди. Унда 19 ташкилот юздан зиёд бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Масъул ходимлар, ҳуқуқшунослар ишга талабгорларнинг саволларига атрофлича жавоб берди. Ярмаркага мурожаат қилганлардан 40 нафари муқим иш жойига эга бўлди.

* * *

Кегейли туманида аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида бандлик дастурига асосан ўтказилган меҳнат ярмаркасида 66 нафар хотин-қиз ишга жойлашди. Мазкур ярмаркада тумандаги 53 та корхона ва ташкилот 173 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Жами 132 нафар талабгор ўз мутахассислигига кўра ишга йўлланма олди.

**(ЎзА)**

*Биздан сўраган эдингиз*

# МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ЁЗМА РАВИШДА ТУЗИЛИШИ ШАРТМИ?

## Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

***САВОЛ: Ишга кирувчилар ва муассасада 15-20 йилдан ортиқ ишлаётганлар билан меҳнат шартномаси ёзма равишда тузилиши шартми?***

**Р.Аненкова, С.Йўлдошева, Л.Сотиева, Тошкент шаҳри.**

**ЖАВОБ:** Меҳнат шартномасини тузиш, уни ўзгартириш ва бекор қилиш меҳнат қонунчилиги ҳамда меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Меҳнат шартномаси Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги Қонунига мувофиқ 1993 йил 3 сентябридан бошлаб республикамиздаги барча корхона, муассаса ва ташкилотларда (мулкчилик шаклидан қатъий назар) меҳнат шартномаси ишга кирувчилар билан ёзма шаклда бир хил кучга эга бўлган икки камида икки нусхада тузилиши ва икки тарафга (иш берувчи ва ходим) сақлаш учун берилиши зарур.

Меҳнат шартномасининг намунавий ёзма шакли Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган меҳнат шартномасининг намуна ва ёзма шакли ишга кирувчи ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг келишуви асосида ходимнинг иш жойи, унинг меҳнат вазифаси, яъни мутахассислиги, малакаси, ишлайдиган лавозими ишнинг бошланиш куни, агар муддатли меҳнат шартномаси тузилаётган бўлса, унинг тугаш куни, меҳнат ҳақи микдорини белгиловчи разряди, қўшимча меҳнат таътилининг муддати, бериладиган имтиёзлар ва меҳнатнинг бошқа шартлари белгилаб қўйилади.

Амалда бўлган қонунларда ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгилангкан ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари даражаси меҳнат шартномасини тузиш вақтида пасайтирилишига йўл қўйилмайди. Акс ҳолда Меҳнат Кодексининг 5-моддасига мувофиқ меҳнат шартномасида кўрсатилган бу шартлар ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Энди муассасада 15-20 йилдан буён ишлаётган ходимлар билан ҳам меҳнат шартномасини ёзма равишда тузиш керакми, деган саволингизга келсак, барча муассаса раҳбарлари, ходимлар иши билан шуғулланувчи мутахассислар, касаба уюшма фаоллари ва барча ходимга қонунларга асосланган ҳолда қуйидагиларни эслатиб қўйишни зарур деб ҳисоблайман.

Агар ходим 1993 йилнинг 3 декабрига қадар (ёзма равишда меҳнат шартномаси тузиш тўғрисидаги Қонун амалга киритилган кун) ишга қабул қилинган бўлса, Ўзбекистон Олий суди Пленумининг 1994 йил 7 январдаги қарорига асосан улар билан меҳнат шартномасини ёзма равишда тузиш масаласи фақат ўша ходимнинг розилиги билан амалга оширилади.

Шундай экан, 1993 йилнинг 2 сентябригача ишга қабул қилинган ходимнинг розилигисиз ҳозир шу кунда меҳнат шартномаси ёзма равишда тузилса, у ноқонуний ҳисобланади.

Меҳнат Кодексининг 75-моддасида меҳнат шартномалари номуайян муддатга (муддатсиз), беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга ва бирор ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши кўрсатиб ўтилган.

Ходимлар билан муддатли (беш йилгача) меҳнат шартномаси тузишда Меҳнат кодексининг 76-моддасига тўлиқ амал қилинмоғи зарур. Шунинг учун ҳам Меҳнат кодексининг 76-моддаси иш берувчининг муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқини чеклаб қўйган.

Муддатли меҳнат шартномалари:

— бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган тарзда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномалари тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда;

— корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош ҳисобчи билан, корхонада бош ҳисобчи лавозими бўлмаган тақдирда эса, унинг вазифасини бажарувчи ходим билан.

Шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тузилиши мумкин.

Демак, бўш лавозимга ишга кирувчининг розилигисиз муддатли меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилишга йўл қўйилмайди. Вақтинча бўш бўлган лавозимларга: таътилларда, касаллик варақасида бўлган даврига, аёлларнинг ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари ҳамда болаларини уч ёшгача парвариш қилиш учун бериладиган таътиллар даврига, асосий ходимнинг жамоат ишларига жалб қилинган вақтига янги ходим муддати меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилиниши мумкин. Буларнинг барчаси ишга қабул қилиш тўғрисидаги меҳнат шартномасида ва буйруқда акс эттирилиши ҳамда бу ҳужжатлар ходимга имзо чектириб таништирилган бўлиши шарт.

Агар қонуннинг бу талаблари бажарилмаса, асосий ходим ишга чиққанда албатта низо келиб чиқади ва бир ўринда икки ходим бўлганлиги туфайли қисқартириш ўтказишга тўғри келади.

Ходимлар билан меҳнат шартномаси тузишда қонуннинг тўғри қўлланилиши иш берувчининг зиммасига муҳим жавобгарлик юклайди. Унинг қонунни билмаслиги эса уни иқтисодий ва интизомий жазодан озод қилмайди.

# ҒОЛИБЛАР

## муносиб тақдирланди

*Тадбир*

«Тошкент телеграф-телефон станцияси» филиалида меҳнатни муҳофаза қилиш, ходимлар саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш маъмурият ва касаба уюшма фаолиятида муҳим рол эгаллайди.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили ва Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан филиал биринчилиги учун бўлим ва цехлараро стол тенниси, шахмат, шашка каби спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Турнир иштирокчилари пухта ҳозирлик кўриб келганликларини тасдиқдан ўтказди. Айниқса, стол тенниси бўйича шаҳарлараро автоматик телефон станцияси цехи (ШАТС) муҳандиси Якубов, рассом А.Салахутдинова, шахмат бўйича ШАТС цехи ходимлари М.Исаев, И.Хамитов, шашка бўйича электртаъминоти ва климатехника цехи (ЭКЦ) монтери Б.Юнусов ва молия режалаш бўлими ходими Н.Кучкарованинг чиройли ўйинлари томошабинларни хушнуд этди.

Қизиқарли ва кўтаринки руҳда ўтган мазкур тадбир якунида ғолиблар маъмурият ва касаба уюшма томонидан қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

**Маҳмуда АРИПОВА**



*Бор бўл, оқибат!*

# МАҲАЛЛА МАДАДИ

***Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Жиззах вилоят бўлими томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида ижобий ишлар амалга оширилмоқда.***

Ўтган йили 500 нафарга яқин ижтимоий ҳимояга муҳтож, ёлғизлар, пенсионер ва ногиронларга даволаш масканларида соғлиқларини тиклашлари учун имтиёзли йўлланмалар ажратилди. Шунингдек, Зомин туманидаги «Ём» қишлоғида жойлашган аёллар мурувват уйига 304 минг сўмлик, Жиззах шаҳридаги кўзи ожизлар мактаб-интернатига 119290 сўмлик моддий ёрдам уюштирилди. Болаларнинг ёзги таътилда мароқли дам олишлари учун 26 миллион сўмлик маблағ сарф этилди. Маҳаллаларда истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида жамғарма маблағи ҳисобидан 5,7 миллион сўм ажратилди.

Спортни ривожлантириш ва унинг оммавийлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, «Ота-онам ва мен», «Футболимиз келажаги», «Маҳалламиз полвонлари» каби мусобақалар тез-тез ўтказиш анъанага айланган. Ғолибларни рағбатлантириш учун 560 минг сўм маблағ сарфланди.

Вилоятда айни пайтда 120 та маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда 36 та замонавий гузар мавжуд. Уларда маданий-маиший, савдо хизмати кўрсатишнинг ўнлаб турлари мавжуд.

«Маҳалла» жамғармасининг бўлим ва бўлинмалари давлат ва нодавлат ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Бунинг натижасида Жиззах шаҳридаги «Олмазор», «Маданият», Навоий номли, Абдужабборов номли, Пахтакор туманидаги «Тошкент», Бахмал туманидаги «Дўстлик», Ғаллаоролдаги Ғафур Ғулом номли, Зафаробод туманидаги «Зарафшон» маҳаллаларида ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Соғлом авлоднинг вояга етказиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаоллари ҳамда оқсоқоллари «Ҳар бир маҳаллада бир спорт мажмуи» ташаббуси билан чиқдилар. Ҳомийлар кўмагида маҳаллалар қошида ҳамда маҳалла гузарлари ҳудудида спорт майдончалари барпо этилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, шаҳарнинг энг баҳаво масканида «Маҳалла ва ёшлар» маркази барпо этилди. Бу эса шаҳар аҳли учун катта қулайликлар яратди. Бу ерда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгаши жойлашган. Шунингдек, 350 ўринга мўлжалланган тўй-маросимларни ўтказиш маскани ҳам бор.

— Ҳайрия тадбирларига алоҳида эътибор қаратиб келишмоқда, — дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раисининг ўринбосари Шамсиддин Жўраев. — Меҳр-мурувватга ташна ёлғизлар, бева-бечоралар, кам таъминланган кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатилаяпти.

**Н.БЎРИЕВ**

# КАДАСТР ҲУЖЖАТЛАРИ БЕРИЛДИ

Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати Чироқчи туман бўлимида турар жой ва нотураржойлар объектлари ва шунга боғлиқ бўлган коммуникация иншоотларини рўйхатга олиш, паспортлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ўтган давр мобайнида 430 дан зиёд юридик ва жисмоний шахсларнинг тураржой ва нотураржой объектлари давлат рўйхатидан ўтказилиб, кадастр ҳужжатлари берилди. Айни пайтда бўлим ходимлари иш шароитларини яхшилаш, кадастр хизматини юксалтириш борасида изланишмоқда.

**Суратларда: топограф Нуриддин Абдураҳматов ва муҳандис Эргаш Уроқов; кадастр хизмати бошлиғи Мусурмон Ҳайитов мутахассислардан Азамат Холиёров, Ориф Маҳкамов ҳамда Бахтиёр Бобоназаровлар билан галдаги вазифалар хусусида суҳбатлашмоқда.**

**А.АЛЛАМУРОДОВ олган суратлар**



# БОҒЛАРГА КИМ ЭГАЛИК ҚИЛАДИ?

***Савол: Боғдорчилик ва узумчилик бўйича фермер хўжаликларини ташкил этиш қандай амалга оширилади?***

**Б.ЧОРИЕВ, Ургут тумани**

**Жавоб**: Президентимизнинг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ширкатлар фермер хўжаликларига айлантирилаётган бир пайтда кўпчиликнинг дилидаги гап бўлди. Мазкур Фармон мавжуд боғдорчилик ва мева-сабзавотчилик, узумчилик ширкатларини фермер хўжалигига айлантириш, агросаноат фирмаларини ташкил этиш ҳамда тармоқни бошқаришга қаратилган қатор қоидаларни ўз ичига олади.

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг жорий йилнинг 18 январидаги 13-сонли буйруғи билан тасдиқланган Низомга кўра, боғ ва узумзорлар жойлашган ер участкалари учун лойиҳалар шакллантирилиб, танловлар очиқ-ошкора тарзда ўтказилади. Бу иш махсус комиссиялар томонидан амалга оширилади. Шуниси эътиборлики, танлов натижаларига кўра талабгорлар кучи тенг баҳоланганда мазкур ер участкасида оилавий пудрат асосида ишлаган ширкат аъзоларига ғолиблик ҳуқуқи берилади.

Юқорида тилга олиб ўтилган Низом талабларига кўра, боғ ва узумзор жойлашган ер участкаси чегаралари шакллантирилади ҳамда ҳар бир лойиҳада жойлашган боғ ва узумзорларнинг баланс қиймати аниқланади. Ер участкалари чегарасини шакллантиришда экин майдонининг бутунлиги бузилмаслиги шарт. Бироқ, ҳар бир лойиҳа майдони 1 гектардан кам бўлмаслиги лозимлиги белгиланган.

Бу фермер хўжаликлари 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод қилинади. Шунингдек, янги ташкил қилинаётган агросаноат фирмалари даромад солиғи, ер, мулк ва қўшилган қиймат солиқлари (импортга қўшилган қиймат солиғидан ташқари) ҳамда ягона солиқ тўловидан 3 йил муддатга озод этилиши кўзда тутилган. Бунда тежалган маблағлар мақсадли тарзда, яъни мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корихоналарини ривожлантириш, янги боғ ва узумзорлар яратиш, соҳани ривожлантиришга сарфланади.

Танлов жараёнлари давомида ноқонуний хатти-ҳаракатлар кузатилса, фуқаролар фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга мурожаат қилишлари мумкин. Бунинг учун барча қонуний асос ва шарт-шароитлар мавжуд.

**А.ШЕРҒОЗИЕВ, Фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро суди судьяси**

# РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

Давлат мулки қўмитасининг ваколатли агенти "Давинком" давлат инвестиция фирмаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан бошланғич баҳоси босқичма-босқич пасайиш механизми бўйича 2006 йил 3 апрелдан қуйидаги объектлар қўйилишини маълум қиламиз.

3 синф бўйича, яъни ҳар 15 савдо сессиясида бошланғич баҳосига нисбатан

5 фоизга пасайиш тартиби қўлланиладиган объектлар

1. Наманган вилояти, Наманган шаҳрида жойлашган "Наманган нефт базаси".

**Бошланғич баҳоси—293231,0 АҚШ доллари.**

2. Сурхондарё вилояти, Денов туманида жойлашган "Денов нефт базаси"

Олтинсой филиали.

**Бошланғич баҳоси—619358,0 АҚШ доллари.**

3. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳрида жойлашган "Автокемпинг".

**Бошланғич баҳоси—2027600,0 АҚШ доллари.**

4. Хоразм вилояти, Хазорасп туманида жойлашган "Саримой" автокемпинги.

**Бошланғич баҳоси—764733, 0 АҚШ доллари.**

2006 йил 3 апрелдан пасайиш синфи ўзгартирилган ҳолда 1 синф бўйича, яъни ҳар 5 савдо сессиясида бошланғич баҳосига нисбатан 5 фоизга пасайиш тартиби қўлланиладиган объектлар

1.Самарқанд вилояти, Жомбой туманида жойлашган 32-сонли контейнерли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси (32-КАЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси—88086,0 АҚШ доллари. Пасайган баҳоси—39638,70 АҚШ доллари.**

2.Сурхондарё вилояти, Музрабод туманида жойлашган 27-сонли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси (27-АЁҚШ).

**Бошланғич баҳоси—25969,0 АҚШ доллари. Пасайган баҳоси—7790,7 АҚШ доллари.**

Пасайиш синфи ўзгартирилган ҳолда, ҳар савдо сессиясида бошланғич баҳосига нисбатан 5 фоизга пасайиш тартиби қўлланиладиган давлат улуши

Тошкент вилоятида жойлашган "Қуйичирчиқ бош пиллахонаси" МЧЖнинг 24,99 фоиз давлат улуши.

**Бошланғич баҳоси—25212,40 минг сўм. Пасайган баҳоси—7563,72 минг сўм.**

**Изоҳ:** АЁҚШ (КАЁҚШ), нефт базалари ва автокемпинглар бўйича тўловлар АҚШ долларига тенг эквивалентда Ўз.Рес. Марказий Банкининг тўлов кунидаги курси бўйича сўмда амалга оширилади.

Агарда нефт базалари ва автокемпингларга чет эл инвесторларидан эркин муомаладаги валюта, яъни АҚШ долларига сотиб олиш ҳақида ариза берилса, ариза тушган кунидаги қиймати бўйича эркин муомаладаги валютада сотилади.

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

**Имкониятингизни бой берманг.**

Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 массиви, Махамад Ўразбоев кўчаси, 1 "А" уй, Республика Кўчмас мулк биржаси.

Телефонлар: 399 80 26, 136 15 28. Факс: 136 26 26 www.rkmb.uz

Эслатма: РКМБ тизими марказлашган электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион кўринишида давом этиб нархлар эркин шаклланади

# АНЪАНАВИЙ ТУРНИР

«Олимпия захиралари» коллежи спорт мажмуида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган анъанавий «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг Қорақалпоғистон босқичига старт берилди.

Бугун республика мактабларида таҳсил олаётган 328 минг ўқувчининг 35 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланади. Айни пайтда тўрт мингдан зиёд спорт секцияси фаолият кўрсатмоқда. Зарур спорт анжомлари билан жиҳозланган кўплаб болалар спорт мажмуалари ва заллари ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйилган.

*Қонун барчага баробар*

# ЭГРИ ЮРМА, ҚОҚИЛАСАН...

***Очкўзлик инсонни разолат ботқоғига ботиради. Инсоний фазилатлардан мосуво қилади. Сирасини айтганда, айрим "учар"лар "бойиш пойгаси"да ютиб чиқиш учун хеч нарсадан тап тортмаяпти. Пировардида қонунни бузиб, қора курсига ўтирмоқда. Сўнгги пайтларда "спирт савдоси"дан ёки уни сотиб олиб, "қўлбола арок" ясаб миллионер бўлаётганлар ҳам кам эмас. Виждонни жиғилдонга айлантирган шайтонлардан не кутиш мумкин?! Аммо сифатсиз арокни истеъмол қилиб, азоб тортаётганларга нима дейсиз?.. Ростини айтадиган бўлсак, дастурхонда турган бежирим арок шишасини очаётиб, дилга ғулғула тушиши шубҳасиз. "Ишқилиб тозамикин, қўлбола эмасмикин" деган қўрқув дилни қамраб олади.***

Кенг куртак ёзаётган бундай жиноятларнинг илдизини кесиш кунимизнинг долзарб вазифаларидан бўлиб қолди. Бўлимимиз ходимлари ўтган йили 3 та қўлбола арок ясайдиган яширин цехни фош этиб, воқеа жойидан катта суммадаги спирт, шиша қопқоғи, этикетка, қалбаки акциз маркалар ҳамда арок ясаш учун мўлжалланган дастгоҳлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Ушбу ҳолатлар бўйича жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув олиб борилди ва терговнатижасига кўра туман жиноят ишлари бўйича суд ҳукмига асосан тегишли чоралар кўрилди.

Бундан ташқари, тезкор маълумотлар асосида туман ДСИ ходимлари билан ҳамкорликда "Шоббоз" деҳқон бозори ҳудудида текшириш ўтказилди. Текшириш мобайнида фуқаро Нурлибек Сапаровнинг савдо растасида ҳеч қандай ҳужжатларсиз, махсус лицензиясиз ноқонуний равишда муомалага киритиш мақсадида сақлаб қўйилган сиғими 1,5 литрлик 27 баклашка спирт, чет элда ишлаб чиқарилган акциз маркасиз 260 қути "PINE", 10 қути "Беитлли", 18 қути "Галлант", 17 қути "Собрания", 10 қути "Монте Карло", 35 қути "Золотой лист", жами 266 минг 200 сўмлик тамаки маҳсулотлари борлиги маълум бўлди. Фуқаро Н. Сапаровга нисбатан Ўзбекистон Республикаси жиноят Кодексининг 25-186-1-моддаси, 1-қисмига кўра жиноят иши қўзғатилди. Шунингдек, фуқаро Зарипбой Матмуротовга тегишли савдо дўконида 72 минг сўмлик спирт, спиртли ичимликлар борлиги аниқланди. Унга нисбатан ҳам ЎзРЖКнинг тегишли моддаларига асосан жиноят иши қўзғатилди.

**Мирзо МАДРАИМОВ, Беруний тумани прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими бошлиғи, 2-даражали юрист**

## «Умид ниҳоллари — 2006»

**Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини тўлиқ қамраб оладиган «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг бу йилги республика финал босқичи Қашқадарёда бўлиб ўтади. Бундай беллашувлар янги-янги истеъдодларни кашф этганлиги билан ҳам қадирлидир.**

# ТАРАДДУД

Қарши шаҳрининг 2700 йиллик, буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 670 йиллик юбилейлари нишонланадиган Қашқа воҳасида бўлажак мусобақаларга пухта ҳозирлик кўрилаяпти. Қарши Олимпия заҳиралари коллежида ташкилий қўмита фаолият кўрсатаяпти. Ушбу спорт беллашувларига 1500 нафар йигит-қизнинг ташриф буюриши кутилаяпти. Улар учун қулай ва шинам ётоқхоналар, спорт майдончалари тайёрлаб қўйилди.

Беллашувларнинг якунловчи босқичида ёшлар мини-футбол, қўл тўпи, волейбол, баскетбол, сузиш, енгил атлетика, шахмат, бадиий гимнастика, стол тенниси, миллий ва белбоғли кураш каби ўн битта спорт турлари бўйича куч синашадилар.

Мусобақалар олиб бориладиган 32 та иншоотда қурилиш-таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилаяпти. 14 та спорт мажмуаси, 10 та ётоқхона ва 8 та ошхона таъмирланди. 20 минг томошабинга мўлжалланган замонавий футбол ўйингоҳида ҳам тайёргарлик авжида. Улкан қурилишда қашқадарёликлар билан бирга Хоразм, Тошкент ва Бухоро вилоятларидан келган қурувчилар фаол қатнашишаяпти.

Ўйинлар дастуридан ўрин олган мусобақаларнинг асосий қисми яқинда фойдаланишга топширилган Олимпия заҳиралари коллежида ўтказилади. Бу ерда бадиий гимнастика, қўл тўпи (қизлар), сузиш, миллий ва белбоғли кураш мусобақалари уюштирилади.

600 ўринга мўлжалланган спорт коллежи замонавий техника воситалари ва ўқув қуроллари билан жиҳозланган. 200 ўринли ётоқхона, ошхона, иккита машқлар ва енгил атлетика, бадиий гимнастика залларини ўз ичига олувчи мажмуада Япония технологиясига асосланган 50x25 метрли 300 ўринли ёпиқ сув ҳавзаси қурилиши тугалланди.

Ахборот технологиялари коллежининг спорт залида стол тенниси, «Насаф», «Динамо» ўйингоҳларида мини-футбол, «Нуристон» академик лицейида баскетбол (ўғил болалар) мусобақаларига старт берилса, юзга яқин ўқувчи қатнашадиган қўл тўпи (ўғил болалар) беллашувлари Қарши Муҳандислик иқтисодиёти институтида ўтказилади.

Ҳозирги замон андозалари асосида таъмирдан чиқарилган «Насаф» ўйингоҳида жойлашган ёпиқ спорт мажмуасида волейболчи ўғил болалар жамоалари куч синашади. Қарши банк коллежининг спорт залида баскетболчи қизлар, Қарши Давлат университети қошидаги 2-академик лицейи спорт залида волейболчи қизлар, ушбу илм даргоҳининг мажлислар залида шахматчилар баҳсларига гувоҳ бўласиз.

Қўл тўпи бўйича ўсмирлардан иборат вилоят жамоасини мусобақаларга тайёрлаётган иқтидорли мураббий Ҳасан Муҳсинов билан суҳбатлашдик.

— Жамоа таркибида вилоятнинг Нишон, Ғузор туманлари ва Қарши шаҳри мактабларидан жалб этилган 14 нафар ўқувчи бор, — дейди мураббий. — Машқ ва машғулотларни ўтказиш учун Ғузордаги болалар спорт мажмуасидан фойдаланилаяпти. Тошкентдаги 3- ва 5-махсус спорт мактабларида ўтказилган ўқув машқ йиғинлари ёшларимиз маҳорати ошганлигини кўрсатиб турибди. Шунингдек, Термиз шаҳрида бир неча ўртоқлик учрашувлари уюштирилди.

Дарвоқе, терма жамоада Ҳасан Самадов, Темир Хайруллаев, Нодир Маҳмудов, Иброҳим Довудов каби қўл тўпи ўйинлари ҳадисини олган иқтидорли спортчилар бор.

Касаба уюшмалари кенгаши, маданият ва спорт, халқ таълими, ўрта-махсус касб таълими бошқармалари, «Маҳалла», «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармалари ва «Қашқадарё ёшлар спорти» газетаси таҳририятининг ташаббуси билан воҳада спорт соғломлаштириш ишларини янада ривожлантиришни назарда тутиб вилоят ҳокимининг фармойиши билан «Спорт — ҳамма учун» кўрик-танлови эълон қилинди. Бу муҳим тадбирни амалга оширишда мутасадди ташкилотлар ва кенг жамоатчилик фаол қатнашмоқда.

Катта спорт байрамига ташриф буюрувчи меҳмонларнинг мусобақа давомида кўнгилли дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари учун етарли шарт-шароитлар яратилади. «Шўртангазкимё» мажмуаси, Таллимаржон иссиқлик электр станцияси, «Муборакнефтгаз», вилоят иссиқлик манбаи, Муборак газни қайта ишлаш заводи, «Пахтасаноат» ва қишлоқ хўжалиги бирлашмаси, «Қашқадарёгаз» ишлаб чиқариш корхонаси каби бир қатор ташкилотлар ҳомийлигида спорт иншоотларини таъмирлаш юмушлари жадаллаштирилаяпти.

Уч босқичдан иборат спорт мусобақаларининг энг кенжа авлоди саналмиш «Умид ниҳоллари» баҳслари бошланишига ҳам яқин қолди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Маънавият сабоғи

**Дунёда шундай қудратли куч борки, у билан ҳаёт гўзал, яшаш завқли. Бу яхшиликдир. Яхшилик уч кўринишда намоён бўлади. Биринчиси, биродарлари ва қариндошига, иккинчиси, турмуш ўртоғи ва фарзандларига, учинчиси эса халқига, ватанига нисбатан меҳр-муҳаббатидир.**

# ҒУМАЙ ЭКИБ БУҒДОЙ ЎРОЛМАЙСИЗ

Ўз биродарларига яхшилик аломати шунда кўринадики, бунда инсон дўстларидан ҳам олиҳимматроқ, саховатлироқ бўлишга, ҳар соҳада, ҳар ишда ҳиммат кўрсатишга, садоқат ила мададкор бўлишга интилади.

Ҳадисларда: "Ризқи кенг ва фаровон бўлишни, ҳаёти иззат-ҳурмат ила ўтишини истаган киши жигаргўшалари - қариндошларидан ўзини узмасин, мол-дунё мерос дея тажассу (душмандлик) қилиб бир-бирининг умрига зомин бўлмасин ёхуд бир умрга юз кўришмас бўлиб қолишга сабабчи ҳолда пушаймонда қолмасин", дея лутф қилинганлиги ҳам бежиз эмас. Демак, инсонлар ҳар иш қилишдан олдин унинг оқибатини ўйласалар, ёмонликдан ўзларини тийиб, яхшилик ила ҳаётларини безасалар асло кам бўлмайдилар. Донишмандлар: "Ҳиммат қанчалик баланд юрса, яхшилик ғалабаси ҳам шунчалик улуғроқ бўлади", деганлар. Қуйидаги қадимий битикка эътибор берайлик:

***Яхшиликдан келади***
***қулга яхши ном,***
***Яхшиликдан бўлади***
***ҳосил мурод ҳам.***
***Шундай деб кўрсатмиш***
***бир соҳиби бахт,***
***Яхшиликдан кифтингга***
***келур тожу тахт.***

Ҳа, ҳақиқатан яхши деган номга муносиб бўлиб юришнинг сўзсиз масъулиятли юки бор. Ана шу шарафли юк замирида одамийлик, ахлоқ-одобнинг бир қирраси намоён, холос.

Умр йўлдошига қилинадиган яхшилик - уни поклик ва иффатда сақламоқликка эришишдадир. Шундай қилинганда бу иш барокотидан эл ҳам поклик билан безаниб, фисқ-фужур, шубҳа-гумонлардан узоқда бўлади. Оилада вафо, садоқат, мушоварат ҳукмрон бўлиши улуғ бир саодатдирки, унинг калити фақат ҳақгўйлик, тотувлик, тинчлик, иноқ-иттифоқликка, иффат-назокат, шарму ҳаёга асосланган бўлмоғи даркордир, дейилади яна бир ҳадисда.

Улуғ мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб: "Умр йўлдоши танлаганда унинг ҳуснига эмас, ахлоқ-одоби, фазилатига қараш керак. Бундай яхши фазилатли аёл шубҳасиз эрни қудратли қилиб, камол топтиради, юзини ёруғ қилади", - дейди.

Энди фарзанд тарбиясига келсак, бу ҳам шундай яхшиликка кирадиган энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Хусусан, замонасининг илғор фикр эгалари, файласуф мутафаккирлари ўз асарларида ахлоқ-одоб, таълим-тарбия каби яхшиликка элтувчи масалаларга алоҳида аҳамият берганлар. Негаки, бундай ҳол гўзал фазилатларни эгаллашнинг муҳим шарти ҳисобланган. Алишер Навоий ҳазратлари: "Дунёда сўзнинг тури кўп, аммо ёлғондан ёмонроқ тури йўқ" деб ёзган эди. Шунга кўра, улуғ мутафаккирлар болаларни дунёга келган кунданоқ ростлик ила тарбиясига қайта-қайта қаттиқ киришишлари зарурлигини уқтириб келганлар.

Халқимизда, "Қуш уясида кўрганини қилади", деган нақл ҳам бор. Бола дунёга шубҳасиз бадахлоқ ёки хушахлоқли етук одам бўлиб келмайди. Маълумки, яхши оилада бола сўзсиз яхши тарбия, аксинча бўлса, ёмон тарбия олади. Бунинг устига ташқи муҳит ҳам носоғлом бўлса, салбий хислатлар таъсирида вояга етади. Бундай ҳолда ўсган боладан барчага азият етади. Замахшарий "Асос ал-балоға" ("Сўзга усталик асослари") асарида ота-оналарга қарата мурожаат этиб: "... Ўз фарзандингизни то имкон қадар яхши хулқ-одобли, ақл-фаросатли бўлишга ўргатинг... Магарким, кимарса гўдаклигидан яхши хулқ-одоб эгалламас эркан, улғайганда ундан билим талаб қилолмайсиз! Ғумай экиб қўйиб, буғдой ўролмайсиз-ку, ахир. Ҳамон шундай эркан, ота-она заковат ила ўз фарзандларига дунёдаги жамики эзгуликлар билан йўғрилган ижобий хислатларни сингдира бормоқлиги минг карра шартдир. Бола тарбияси энг оғир ва шарафли вазифалардан биридир. Шул боис болага нисбатан, ўз зиммасига юкланган масъулиятни ҳис этган ҳолда ота-онанинг яхши таълим-тарбия беришга интилиши, ҳаракат қилиши айни муддаодирки, токим фарзанд ўзидан фақат ижобий хусусиятларни ўзлаштириши ва ярамас хатти-ҳаракатлардан ўзини доимо муҳофаза қила оладиган бўлсин", деган.

Фарзанднинг ишга яроқли бўлиш-бўлмаслиги кўпроқ ота-онага боғлиқдир. Негаки, юқорида қайд этганимиздай, боланинг энг дастлабки етакчиси унинг тақлидчилигидир. Шу боис фарзандни гўдаклигидан тортиб қаттиқ тутиш талаб қилинади, бу ҳол фарзандни жамиятга керакли одам қилиб тарбиялашнинг шаксиз зарур шартларидандирки, бунга яхши фазилатга эга бўлган ота-она масъул ҳолда тайёр турмоқлиги керак, албатта.

Ахлоқ-одоб, камтарлик фазилати инсон маънавиятидаги кони хазина, қуримас булоқдир. Инсон чеҳраси мана шу маънавий хазинадан фойдаланиб, булоқдан сув ичганлиги учун гўзалдир. Бу хазина ва булоқнинг қуриб қолишига йўл қўймаслик инсоннинг гўзаллиги устига яна латофат ҳам қўшади, қадр-қимматини оширади. Шунинг ўзиёқ инсоннинг яхшиликка эришгани, деб айтиш мумкин.

Вояга етган, камол топган, таълим-тарбияли, ахлоқ-одобли фарзанд ота-онасидан миннатдор бўлмоққа, уларнинг ажирларига муносиб жавоб қайтармоқликка бурчлидир. Элда, фарзанднинг гуллаб-яшнаши, ота-она дуосининг шарофатидандир деган сўз айни ҳақиқат.

Машҳур Луқмони ҳакимдан: "Фарзанд тарбиясининг тадбири қандай бўлади? деб сўралганда у: Барча масалаларда эзгу амаллар билан мукаммалликка эришилгандагина кишилар оила қуриб, фарзанд тарбиясига киришишлари мумкин, деб жавоб берган экан, яна нақл қилишларича, Луқмони ҳаким ҳам ўз ўғилларига васият қилиб шундай деган экан:

"Эй, менинг фарзанди аржумандларим! Ҳаёт йўли узун, аммо силлиқ, текис эрмас. У ўнқир-чўнқирлардан иборатдир. Шул боис ҳамиша ҳушёр, зийракликни қўлдан бермай, оқилона тадбир ила қадам босиб зиллатга (хорликка) элтадиган номақбул амаллардан қочинг. Ҳаётда юз бериши мумкин бўлган турли-туман қийинчиликларга дуч келиб қолишни ҳам асло ёддан чиқармасликларингиз керак. Ўшандай кунларда дунё, бойлик эмас, балки ўзингиз бунёд этган яхшилик-бахтли меҳнат ҳосилларингиз бўлмиш самимий дўстликкина сизларга асқотур!"

Шунингдек, имон-эътиқодли, ўз маслакларига садоқатли, теварак-атрофга, турли жон-жониворларга ҳам меҳрибон, шафқатли бўлиш ҳам яхшиликка киради.

Бироборин, яхши ахлоқ-одоб, олижаноблик, энг муҳими, инсон деган улуғ номга ярашиғлик эзгу ва хайрли ишлар билан эл-юрт орасида ҳурмат қозонишдан савоблироқ нарса йўқ дунёда.

**Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН**




*Авторалли*

### ЧЕМПИОНАТГА СТАРТ БЕРИЛАДИ

Авторалли –мардлар ўйини саналади. Чунки бу спорт тури кишидан катта маҳорат ҳамда иродани талаб этади. Мусобақа ўтадиган йўллар ҳам талабга жавоб бериши шарт. Шу боис бўлса керак, мазкур спорт тури бўйича мусобақалар ташкил этиш ташкилотчиларнинг анча машаққат чекишини талаб этади.

Кеча Республика техник ва амалий спорт турлари марказида 2006 йилги авторалли бўйича Ўзбекистон чемпионати баҳсларини ўтказишга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда ушбу чемпионатни юқори савияда ўтказиш ва мусобақа йўналишларига оид маълумотлар билан ОАВ ходимлари таништириб ўтилди.

Шундай қилиб, бу йилги Ўзбекистон чемпионати пойтахт ҳамда пойтахт вилояти йўлларида ўтказилади. Мусобақаларга 1 апрел куни Юнусобод тумани ҳудудидан старт берилади. Чемпионат Республика автомобил федерацияси билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

*Бокс*

### ТЕМУР ИБРОҲИМОВНИНГ РАҚИБИ МАЪЛУМ

Профессионал рингларда бирор марта ҳам мағлубиятга учрамай келаётган ҳамюртимиз Темур Иброҳимов ўзининг навбатдаги жангини 24 июн куни америкалик ўта оғир вазнли боксчи Кельвин Брокка қарши ўтказади. Куни кеча АҚШнинг Манхеэттен шаҳрида ушбу жангга бағишланган матбуот анжуманида рақиблар ўзаро таништирилди.

"Ҳозирча енгилмаслар жанги" номини олган ушбу баҳсда Иброҳимов WBC Fecarbox йўналишидаги чемпионлик камарини ҳимоя қилади. Ҳақиқатдан ҳам профи рингларида Кельвин Брок ва Темур Иброҳимовлар бирор марта ҳам мағлубият аламини тотиб кўрмаганлар.

-Ҳаваскорлик рингларида катта тажриба тўплаган боксчи билан жанг олиб боришдан мамнунман. Шу билан бирга мени рақиб сифатида танлагани учун Иброҳимов ва унинг жамоадошларига миннатдорчилик билдираман,-деган Брок.

Кўп гапиришни ёқтирмайдиган Темур Иброҳимов "Бу жанг жуда оғир кечади. Мен бу жангда ғолиб чиқишга ҳаракат қиламан" деб айтган.

*Футбол*

### ЧОРАК ФИНАЛНИНГ ДАСТЛАБКИ ЎЙИНЛАРИ

Кўҳна қитъанинг энг нуфузли турнири саналмиш Чемпионлар лигаси баҳсларининг илк чорак финал учрашувлари ниҳоясига етди. Чоршанба куни ўтказилган "Бенфика" - "Барселона" жамоалари ўйинида ҳисоб очилмаган бўлса-да, мухлислар чиройли ўйин гувоҳига айланди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

"Интер" - "Вильярреал" 2-1
"Лион" - "Милан" 0-0
"Арсенал" - "Ювентус" 2-0

*Теннис*

### ШАРАПОВА –ЯРИМ ФИНАЛДА

АҚШнинг Майами шаҳрида давом этаётган теннис турнирида ярим финалчилар номи маълум бўлди. Россиялик Мария Шарапова чорак финалда ҳамюрти Анастасия Мискинани мағлуб этди. Энди у финал йўлида францияллик Татяна Головинани доғда қолдириши лозим.

Бошқа ярим финалда турнирнинг биринчи рақамли ракеткаси францияллик Амели Моресмо россиялик Светлана Кузнецовага қарши кортга тушади.

*Шоҳмот*

### АНАНД ПЕШҚАДАМГА АЙЛАНДИ

Монакода ўтаётган "Амбер" халқаро турнирнинг 10-туридан сўнг ҳиндистонлик Вишванатан Ананд карвонбошиликни қўлга олди. У ушбу турда арманистонлик Левон Ароянни мот қилди.

Аввалда пешқадамлик қилиб турган Александр Моразевич украиналик Василий Иванчукни тезкор шоҳмотда мағлуб этган бўлса, кўрмасдан дона суришда енгилди.

**А.ЮНУСОВ тайёрлади**



# ЗУЛФИЯНИНГ ИЗДОШИ

Юртимиз Тўмарисдек жасур, Бибихонимдек оқила, Нодирабегимдек нозик қалбли мард ва ўктам аёллар ватани. Бугунги кун хотин-қизлари ана шундай довруғи достон момоларимиз наслининг ҳақиқий давомчиларидир. Жамиятнинг қайси жабҳасига қараманг, улар аллақачон ўз ўрнини топиб улгурган.

Шу боис бўлса керак, ҳар йили Зулфия номидаги Давлат мукофотига ҳар томонлама етук ва илғор қизларимизнинг бир нечтаси совриндор бўлишади. 2006 йилги ана шундай нуфузли мукофот эгалари орасида ҳамюртимиз Замира Полуанниёзованинг ҳам борлиги барча қорақалпоғистонликларни мамнун этди.

Асли шифокорлар оиласида, Нукус шаҳрида улғайган Замира кичиклигиданоқ тиббиётга оид кўплаб китобларни қунт билан ўргана бошлади.

Ҳозирги кунда Замира Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиали «даволаш иши факультети» 5-босқич талабасидир. Ўзининг ниҳоятда илмга чанқоқлиги, рус ва инглиз тилларида мукаммал сўзлашиши билан тенгдошлари орасида эътибор қозонди. Замира ёш бўлишига қарамасдан тиббиётга оид инглиз тилида ёзилган илмий маърузаларнинг муаллифи ҳамдир. Бундан ташқари, у немис тилини астойдил ўрганмоқда.

**Суратда:Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Замира Полуанниёзова.**

**Б.АЛЛАШЕВ**
**(ЎзА) олган суратлар**

***...Кириб келган баҳор бор-йўқ сепини ёйди. Борлиққа кўз-кўз этиш баробарида файз улашди. Атроф нақадар тароватли, гўзал ва бетакрор. Кўклам. Ўт-ўланлар, гиёҳлар ичра сингиб кетгинг келади гўё. Кўклам бўлиб яшагинг, туғилгинг келади. Даҳолардан бирининг «Энг гўзал санъаткор — табиат» деганича имон келтирасан ва қайта-қайта кўллагинг келади, унинг ушбу фикрини.***

# СУМАЛАК БИР БАҲОНА...

Наврўз шодиёналари ҳали давом этаётир, жойларда: дошқозонларда сумалаклар қайнаяпти, дастурхонларга турли-туман баҳорий неъматлар тортилаяпти.

Куни кеча Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтаҳур академик лицейи ўқувчилари томонидан ўтказилган «Сумалак сайли» ҳам фикримизнинг ёрқин исботи. Тадбир ўзига хос байрамона кайфиятда ўтди. Ижро этилган куй ва қўшиқлар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари чиқишлари даврага файз киритди. Хуллас, шу кун сумалак баҳона кишилар чин кўнгилдан дийдорлашишди.

Шунингдек, ўқув юрти атрофида яшовчи боқувчисини йўқотган инсонлар ва кам таъминланган оилаларга совға-саломлар улашилди.

**Мадина ШАМШИЕВА**

## Ўлкам чиройи

**Юртимизда сўлим табиати ва мусаффо ҳавоси билан инсон соғлиғига катта фойда келтирувчи гўшалар кўплаб мавжуд. Улар орасида Сурхон воҳасидаги тоғ ёнбағрида жойлашган «Хондиза» дам олиш маскани алоҳида ажралиб туради. Бу ернинг ёқимли ҳавоси, гўзал манзараси ва шифобахш суви таърифи узоқларга етган. Сокин ва баҳаво табиат қучоғида дам олувчилар мириқиб ҳордиқ чиқарадилар.**

# «ХОНДИЗА»

## Сурхон воҳасида шундай жой бор

Дам олиш уйи 350-400 ўринга мўлжалланган бўлиб, мавсум давомида ҳар йили 1,5-2 минг киши яйраб ҳордиқ чиқаради. Бу ерда бир марта бўлган киши борки, албатта келаман, деган фикр билан ўз манзилига қайтади.

Дам олувчилар учун барча шароитлар яратилган. Умумий овқатланиш залидан ташқари ўнлаб қўшимча овқатланиш шохобчалари мавжуд. Унда истасангиз ўзингиз ёқтирган таомни тайёрлашингиз мумкин, истасангиз қўли ширин ошпазлар лаззатли овқатлар пишириб беришади. Ҳар куни кечки овқатдан кейин концерт ва маданий тадбирлар уюштирилади. Кино залида эса янги филмлар намойиш этилади. Ёшлар учун бир неча дискотека клублари фаолият кўрсатади. Кутубхона, ҳаммом, сартарошхона ва тиббиёт пунктлари дам олувчилар учун доим хизматда. Айни пайтда уларни Сариосиё ва Термиз шаҳрига олиб-бориб олиб келувчи махсус автобус қатнови йўлга қўйилган. Шунингдек, «Хондиза» атрофида жойлашган гўзал зиёратгоҳ манзилларига саёҳатга боришингиз мумкин.

Экологик жиҳатдан соф бўлган нозу неъматлар бу ерда бисёр. Тоғ гиёҳларини еб семирган барра қўзи гўштидан тайёрланган қайнатма, қовурма, димлама ёки тандир кабоб каби таомлар мазаси оғзингиздан кетмайди. Сут-қатиқ ва қаймоғининг таъмини айтмайсизми... Дунёнинг фақат саноқли дарёларида учрайдиган балиқлар маликаси – гулмоҳини шу ерда кўриш мумкин. Уни асосан балиқ ишқибозлари тунда чироқ нурида осонгина тутишади. Айтишларича, оқшомда дарёга ёруғлик нури қаратилса, балиқлар чоқ билан қириб олиб, турли касалликларни даволашда ишлатади. Табиий шифобахш булоқ суви эса шамоллаш ва организмда тўпланган турли тузлардан халос бўлиш ва танани чиниқтиришда ёрдам беради.

«Хондиза»га дам олишга келган ҳар бир киши Сангардак қишлоғида жойлашган афсонавий шаршарани кўришни, унда чўмилиб, бу манзара ёнида суратга тушишни хуш кўради. Ривоятларга қараганда, ким бу муқаддас жойга келиб уни зиёрат қилса, унинг барча орзу ва истаклари, албатта, ижобат бўлар экан. Бундан ташқари, «Қирқ қиз», «Осма тош» ва бошқа кўплаб сайлгоҳлар ҳам эътиборга молик.

Ҳозирги кунда бу ажойиб гўша вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тасарруфида бўлиб, уни обод ва кўркам қилиш учун катта саъй-ҳаракат олиб борилмоқда. Бу эзгу юмушга вилоят ҳокимлиги ҳам эътибор қаратса, ўйлашимча, дам олиш уйининг довруғи нафақат республикада, балки халқаро миқёсда ҳам ёйиларди. Зеро, Юртбошимиз томонидан эълон қилинган Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг мазмун-моҳияти ҳам мана шундай савобли ишларни кўзда тутади.

**Раҳматулла АЛИМАРДОНОВ,**
**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети доценти**

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиация компанияси ва Ўзбекистон авиаходимлар касаба уюшмаси Марказий Кенгаши Қарши аэропорти директори **Рустам ҚУРБАННАЗАРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласи ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
Тиражи: 18855 Буюртма Г— 514

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.15

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компаниясининг босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.